

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқаро муносабатлар соҳасида дипломатик, бошқарув кадрларини ва мутахассисларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, улар малакасини ошириш тизимининг самарадорлигини тубдан ошириш, мамлакатнинг ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий фаолиятини илмий-методологик ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5400-сонли Фармони ижроси юзасидан:

1. Белгилаб қўйилсинки, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимига қиради ҳамда қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассислар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни, юқори даражада фундаментал ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилишини таъминлайдиган асосий олий таълим муассасаси ҳисобланади:

халқаро иқтисодиёт ва менежмент;
халқаро муносабатлар ва сиёсий фанлар;
халқаро оммавий ва хусусий ҳуқуқ;
гид хамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти.

2. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

илгор хорижий таърибадан, шу жумладан, замонавий инновацион педагогик технологиялар ва илмий ишланмалардан фойдаланиш, мамлакатдаги таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг маъруза йўналишдаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш асосида республика ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий фаолияти соҳасида халқаро мутахассисларни тайёрлашнинг юқори сифатини таъминлаш;

талабаларнинг мустақил тайёргарлик кўришини чуқурлаштиришни, уларда таҳлилий фикрлашни, мустақам касбий кўникмаларни, юксак маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришни таъминлайдиган ўқув режалари ва дастурларнинг амалий мазмунини кучайтириш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда бошқа соҳавий вазирлик ва идораларнинг доимий янгиланиб турадиган истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида халқаро соҳадagi кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

халқаро муносабатлар, хорижлик шериклар билан ҳамкорлик, мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишининг прогноз баҳола-рини ва истиқболларини ишлаб чиқишга қаратилган фундаментал ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар самарадорлигини тубдан ошириш;

халқаро муносабатларнинг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;
хорижий мамлакатларнинг расмий тадбирлари ва делегацияларига юксак даражада хамроҳлик қилишни таъминлашга сафарбар этилган юқори малакали профессионал таржимонлар ҳамда гидларни ўқитишнинг замонавий услублари ва воси-

таларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;
Университетнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустақамлаш, ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишни яхшилаш, уларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш.

3. Университетнинг Бошқарув институти ва Дипломатик курслари тугатилсин ҳамда уларнинг негизида Университет ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган Олий дипломатия мактаби (кейинги ўринларда - Олий мактаб) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Олий мактабнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

шартнома асосида қисқа ёки узоқ муддатли ўқув курсларини ўтказиш орқали Ташқи ишлар ва Ташқи савдо вазирликлари ходимларини, ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятга жалб этилган бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ташкилотлари ҳамда нодавлат ташкилотлар ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

республиканинг ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишга жалб этилган ходимлар халқаро иқтисодиёт ва менежмент, халқаро ҳуқуқ ва ҳуқуқий сиёсат, жаҳон тарихи ва маданияти, шу жумладан, ташиф буюриши мумкин бўлган мамлакатлар тарихи ва маданияти соҳасида чуқур ва ҳар томонлама билимларга, музокаралар юритиш, ҳар қандай шароитда пухта ўйланган ва прагматик қарорлар қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиши, давлат ва чет тилларини юксак даражада эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

Университетнинг таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича доимий амал қиладиган курсларни ташкил этиш.

Олий мактаб Университетнинг таълим йўналишлари бўйича тўлов-контракт асосида бизнес-маъмуриятчилиги йиллик дастурлари (МВА) доирасида магистрлар тайёрлашни амалга ошириши белгилаб қўйилсин.

4. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети янгиланган ташкилий тузилмаси ҳамда Университет ҳузуридаги Олий дипломатия мактабининг ташкилий тузилмаси 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Университет ректорига Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда Университет ва Олий мактабнинг ташкилий тузилмаларига ходимларнинг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб қуйидагилар белгилансин:


Университетнинг бакалаврият йўналишлари бўйича таълим олиш муддати тўрт йилни ташкил этади, шу ўринда аввал ўқишга қабул қилинган талабалар амалдаги тартиб асосида ўқишни якунлайди ва диплом олади;

Университетнинг барча бакалаврият йўналишлари бўйича ўқишга қабул чет тили, математика/тарих, она тили ва адабиёт фанлари бўйича давлат тест синовлари якунлари асосида амалга оширилади;

Давоми 2-бетда ➡

Ёз қувончлари

Эртаминг давомчилари бўлган бугунги ёш авлод давлатимиз эътибори, она халқимизнинг нурли умиди тафтидан баҳра олиб, ҳеч қимдан кам бўлмай камол топмоқда. Шу кунларда юртимизнинг соя-салқин, сўлим ва хушманзара манзилларидаги ёзги оромгоҳларда бўлган киши бунга яна бир қарра амин бўлиши шубҳасиз.



ЎЗБЕКИСТОН – БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

... Оҳангаронлик 12 ёшли Бобуржон мактабга илк қадам қўйганиданок билим олишга қизиқди. Ўтилган фанларни астойдил ўзлаштиришга интилди. Тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, намунали ҳуқуқ туфайли устозларининг меҳрини қозонди.

Дарвоқе, у адабиётга айрича меҳр қўйган. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуфнинг ўнлаб шеърларини ёд билади. Бу йилдан бошлаб кундалик юритаяпти. Ўқув йили бошланган паллада кундаликнинг бир четига шундай ёзган экан: "Бугун дадажоним ўқув йили-

ни аъло баҳолабга тугатсанг, ёзда Бурчмуллага оромгоҳга юборамиз", деб ваъда берди. Бурчмулла! Қандоқ яхши!...

Мана, шу кунлар ҳам келди. Унинг ҳозир ўзи дам олаётган ёзги болалар оромгоҳига келиб қолиши асло тасодиф эмас – яхши ўқиганининг самараси.

Дарҳақиқат, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Эртаминг давомчиларининг муносиб шарт-шароитларда ўқиб-ўрганиши,

спорт билан шуғулланиши, касб-хунар эгаллаши, бир сўз билан айтганда, ҳеч қимдан кам бўлмай камол топиши учун кенг ва беқиёс имкониятлар яратилган. Ҳар йили жондан азиз болажонларимизнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини юксак даражада ташкил этиш ва ўтказишга катта эътибор билан қаралаётгани ҳам ана шу ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Шуни айтиш ўринлики, мамлакатимизда 1 минг 290 та соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд бўлиб, уларнинг 214 таси стационар, 936 таси кундузги ва 140 таси меҳнат

ва дам олиш масканлари ҳисобланади. Уларда жорий йил ҳисобидан жами 294,3 мингдан зиёд болаларнинг ҳордиқ чикариши режалаштирилган бўлиб, бу ўтган йилгига нисбатан 7 минг 100 нафарга кўп, демаски. Бу хайрли ишлар учун 52,3 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган ҳам унинг кўлами ва аҳамиятини англаб турибди.

Болаларга чинакам қувонч ва завқ улашадиган ушбу мавсум сўлим ва хушхаво манзиллари билан алоҳида ажралиб турадиган вилоятимизда ҳам кўтаринки руҳда давом этмоқда.

– Бу йил вилоятимиздаги 19 та болалар дам олиш масканида 15 минг 922 нафар ўғил-қизни соғломлаштиришни кўзда тутганимиз, – дейди вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Умиджон Мирзажонов. – Оромгоҳга борган ҳар бир боланинг қисқа фурсатда ҳам жисмонан, ҳам ақлан чиникишига эришишимиз керак. Шу билан бирга табиат кучида ўтган ҳар бир лаҳза ўз шукҳи ва ҳаяжони билан қичқинтойлар ёдига узоқ вақт муҳрлашиб қолиши лозим. Бунинг учун мавсумга жалб этилган мутасаддилар ўз ишига катта масъулият билан ёндошишлари зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда, биринчи галда, болаларнинг овқатланиш раци-онини, уларнинг саломатлигини кечроқ кундуз назорат қилиш масалаларига катта эътибор қаратилаяпти. Ҳусусан, оромгоҳларда таомномалар таркиби сезиларли даражада бо-йитилди, табиий ва шифобахш хусусиятга эга шарбат ва фи-точойларни доимий тайёрлаб бориш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, бепул табиий хиз-мат ташкил этилиб, улар зарур дори-дармон воситалари билан таъминланди.

Давоми 4-бетда ➡

Жиноятлар муҳокамаси:

КАМАЙГАНИ ЯХШИ, АММО БИТТАСИ ҲАМ КЎП

Нурафшон шаҳрида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчи-ликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, жамоатчи-лик билан алоқаларни янада мустақамлаш бо-расидаги ишлар таҳлилига бағишланган йи-ғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимликнинг тегишли гуруҳ ва котибиятлари раҳбарлари, ташки-лот ва бошқармалар бошлиқлари, ҳуқуқ-тар-



Қайд этилганидек, бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида юртимизда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш вазифаларига устувор аҳа-мият берилаяпти. Жиноятчи-

ликка барҳам бериш одам-ларни ҳаётдан рози бўлиб яшашларини белгиловчи энг устувор мезон сифатида ба-ҳоланаяпти. Бинобарин, айни пайтда ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти са-марадорлигини ошириш,

маҳаллий ҳокимликлар, фуқа-роларнинг ўзини ўзи бош-қариш органлари билан ҳамкорлигини янада тако-миллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этиб турибди.

тибот идоралари мутасаддилари, шунинг-дек, жамоат муассасалари вакиллари ва ёшлар иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари Баҳодир Аҳмедов бошқарди.

Давоми 2-бетда ➡

Долзарб мавзу

Вилоятимиз мириш-корлари томонидан жо-рий йилда 75 минг 800 гектар майдонда пахта ва 192 минг 697 гектарда турли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирил-моқда. 112 минг 700 гек-тардан ортиқ майдонда тақририй экин экиш иш-лари бошлаб юборилди.

ЭГНАЛУВЧАН ҚУВУРААР – ТЕЖАМКОРЛИК ОМИЛИ

Мамлакатимизда куза-тилаётган сув танқислиги билан боғлиқ мураккаб вазият вилоятда қарийб 400 минг гектар майдон-даги экинларни суғориш-да ўзига хос муаммолар-ни вужудга келтириши та-биий, албатта. Маълумот-ларга кўра, ҳудудда жой-лашган сув омборларида-ги сув захираси 2017 йил-га нисбатан 7 фоизга ка-майган. Ҳўш, сув танқис-лиги оқибатларини юмша-тиш юзасидан қандай чо-ралар кўрилмоқда?

– 2018 йил 29 май куни Президентимиз раисли-гида сувдан оқилна ва тежамкорлик билан фой-даланиш масаласида ўт-казилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, зарур чора-лар кўрилмоқда, – дейди вилоят сув ҳўжалиги бо-шқармаси бош мутахас-сиси Ш. Наримбоев. – Аввало, суғориш ишла-ри навбат асосида, энг охириги майдондан бош-лаб амалга оширилиши тартиби жорий этилди.

Давоми 3-бетда ➡

Ғалла – 2018

Қуйи Чирчиқ туманига кириб борар экансиз, яшнаб турган пахтазору бошоқлари бўлиққина, олтиндек товланётган бугдойзорлар эътиборингизни тортади.



ХИРМОН ТЎЛИБ, ТЎКИЛДИ ДОН...

Узоқлардан комбайнлар-нинг уммондаги кемадек бир маромда "сузиб" кетаётгани кўзга ташланади. Ана, катта-гина юк машинасига шовул-лаб, ризку рўзимиз – бугдой донлари тўкилмоқда.

Нақадар сурурли манзара! Ахир ризқимизни экиб, уни-риб, парваришлаб, омборла-римизни бугдойга тўл-дираётган қўли қадоқ, меҳри қайноқ, шижоати тўлиб-тош-ган ноз-неъмат бунёдкорлари меҳнатига тасаннолар айтмай бўладими? "Бу мўъжизанинг "муаллифи" ким экан?", дея

хаёл суриб борар эканмиз:

– Бизда суяги меҳнатда қот-ган, умрини мана шу далалар-сиз тасаввур этолмайдиган миришкор фермерларимиз кўп, – дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Кифоятхон Эрмухаммедова. – Улардан бири "Лолазор-Агрофайз" фермер ҳўжалиги раиси Хо-лисон опа Холматова бўла-ди.

– Э, келинлар, келинлар, – дейди у самимийлик билан. – Олдинроқ оғоҳлантириб қўймайсизларда, сал у ёқ-бу

ёғимизга қараб олардик, – кулиб қўяди фермер.

Чехрасидан беғуборлик, қиёфасидан бараканинг ифо-ри келиб турган Холисон аянинг нигоҳи яна даласига қадалади...

– Салкам 150 гектар ерда деҳқончилик қилаяпмиз, – дейди саволимизни кўзлари-миздан пайқагандек. – Асосан бугдой етиштирамиз. 114 гек-тар ғалла майдонидан режа-даги 285 тонналик хирмон уйиб, бор ҳосилни нест-нобуд қилмай, саранжомлаб олиш-ни ният қилганмиз. Шу кун-

ларда эл-юрт хирмонига 170 тонна ҳисса қўшдик. Мавсум охирига қолмай режани ор-тиги билан бажарамиз, деган умиддамиз. Боиси, жамоамиз аъзолари ўз ишининг билим-дони бўлган миришкорлар-дир. 14 та чопиқчи, 4 нафар сувчи, 2 та тракторчимиз ер-дан қор кетгандан қор тушгун-ча тиним билишмайди. Эл-юрт хирмонининг асл бунёд-корларидир улар...

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ
ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

абитуриентлар учун дастлабки имтиҳондан ўтиш тартиби жорий этилади, унинг якунлари бўйича абитуриентларни давлат тест синовларини топширувчилар рўйхатига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади;

Университетнинг магистратура йўналишлари бўйича таълим олиш мuddати ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олувчилар учун бир йилни, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олувчилар учун икки йилни ташкил этади;

магистратурага қабул белгиланган тартибда мутахассислик юзасидан ёзма имтиҳонлар ва чет тили бўйича имтиҳон топшириш орқали амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018/2019 ўқув йилида Университетнинг бакалавриятга талабаларни қабул қилиш квотасини 3-иловага мувофиқ 150 киши (шу жумладан, давлат грантлари бўйича 30 киши), Университетнинг магистратурасига 50 киши (шу жумладан, давлат грантлари бўйича 10 киши) этиб белгилаш, қонун ҳужжатларига мувофиқ оширилган контракт ставкалари бўйича қўшимча қабул қилиш имкониятини назарда тутиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

Белгилангани, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб магистратурага қабул қилинадиган талабалар сони Университет томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ҳолда бакалавриятга қабул квотасининг 50 фоизигача бўлган ҳисоб-китобдан (шу жумладан, давлат грантлари бўйича магистратура учун ажратилган жойлар сонининг 20 фоизи) ҳамда республика ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг тегишли йўналишлари бўйича юқори малакали халқаро мутахассислар, илмий ва илмий-педагогик кадрларнинг захирасини тўлдирish эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кадрларига буюртмачи-ташкilotлар рўйхати ва бакалаврият битирувчиларининг улар орасидаги тақсимоти 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Университетга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин: белгиланган тартибда таълим стандартларини ишлаб чиқиш, малакавий талабалар, ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда талабаларнинг билимини баҳолаш ҳамда ўқув жараёнининг амалиёт билан интеграциялашувини таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

бакалавриятда турдош йўналишлар бўйича ўқишни муваффақиятли тамомлаган талабаларни истисно тариқасида "Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти" мутахассислиги бўйича магистратурага қабул қилиш;

профессор-ўқитувчилар таркибининг фаолият турлари бўйича вақт меъёрларини белгилаш;

Университет таълим йўналишлари бўйича педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режалари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

бакалаврият, магистратура ва олий ўқув юртидан кейинги таълим йўналишлари бўйича етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини жорий этиш;

Университет ва Олий мақоабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш, ходимларни моддий рағбатлантириш учун тўлов-контракт (шу жумладан, оширилган контракт ставкалардан тушумлар) ва бюджетдан ташқари маблағларни улардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш шарти билан тасарруф этиш; Университетнинг фаолият йўналишлари бўйича шартнома асосида консалтинг ва эксперт-таҳлилий хизматлар кўрсатиш, ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва инновацион-инвестицийвий тузилмаларни яратиш.

Университет ҳамда шу соҳадаги вазирлик ва идоралар зиммасига Университетнинг академик лицейи ва "Дипнхол" мактабгача таълим муассасаси фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда "Улуғбек номидаги Тошкент халқаро мактаби" нодавлат таълим муассасасига ўқув-услугий ва ахборот-ресурс кўмаги бериш вазифалари юклансин.

8. Университет тузилмасида қуйидагилар ташкил этилсин:

◀▶▶ Бошлангич 1-бетда

Негаки, бугун соф инсоний фазилатларга раҳна солаётган, ёшларни тўғри йўлдан чалғитадиган таҳдидлар бот-бот бош кўтариб турган глобаллашув шароитида оддий

Жиноятлар муҳокамаси:

КАМАЙГАНИ ЯХШИ, АММО БИТТАСИ ҲАМ КЎП

одамларнинг ҳаёт тарзи, турмуши билан боғлиқ муаммоларга эскича фикрлаш, ишни эски "қолип"лар асосида ташкил қилиш ишлар асло ечим топиб бўлмайди.

Йиғилишда қайд этилганидек, олиб борилаётган тизимли профилактика тадбирлари, жиноятларни барвақт фoш этиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини тўғри ташкил этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар самараси билан вилоятда умумий жиноятлар сонининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 25 фоизга камайишига эришилди. Бошқача айтганда, жо-

рий йил бошидан буён июнь ойининг йиғирманчи санасига қадар вилоят ҳудудида 2139 та жиноят қайд этилган. Бу ўтган йилнинг шу даврида қайд этилган кўрсаткич-

дан 717 тага кам, дегани. Бироқ, вилоятда оғир жиноятлар, шу жумладан, қотиллик, мол-мулкка тажовуз, босқинчилик, қасддан тан жароҳати етказиш ҳолатлари ҳануз камаймаётгани барчада жиддий ташвиш уйғотмоқда. Айниқса, аёллар, вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир этиш ҳолатларининг ўраб тургани таассуфлидир. Афсуски, жиноят-қидирув фаолиятида ҳам айрим нуқсонлар йўқ эмас.

Қидирувда юрган кўпгина шахслар ҳанузгача қўлга олинмаётгани ҳам бор гап.

Йиғилишда сўз олганлар қайд этганидек, жиноятчиликка қарши курашиш бир соҳа, бир тизимнинг эмас, бутун жамоатчиликнинг вазифаси-

дир. Жойларда бу борада ўзаро ҳамкорлик, ушшоқлик таъминланмай, жамоат ташкilotларининг ўрни ва фаоллиги кучаймас экан, давлатимиз раҳбари олдимизга қўйётган ҳаққоний талаб ва вазифаларнинг бекаму кўст ижроси катта сўроқ остида қолаверди. Эришилаётган натижалар ҳеч қимми қониқтирмаслиги кетар.

Зотан, эзгулик, яхши иш қанча кўп бўлса оз, аммо жиноятнинг, қабохатнинг биргини ҳам ортиқчадир. Йиғилишда ўртага ташланган фикр ва таклифлардан келиб чиқиб, давлат ва жамоат ташкilotларининг бу борадаги ишчи режа ва дастурларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, мутасадди идоралар, маҳаллий секторларнинг "Йўл ҳариталари"ни шу асосда қайта кўриб чиқиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А. Қаршиев, О. Парлибоева, вилоят ҳокимлиги Ижро аппарати раҳбари С. Қурбонов сўзга қиди.

Ўз муҳбиримиз

учун бутун таълим олиш даврида асосий иш жойидан эгаллаб турган лавозими, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар сақланади;

в) Олий мактабда ўқитиш, қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири томонидан ҳар йили тасдиқланадиган режа ва дастурларга мувофиқ шартнома асосида амалга оширилади.

Олий мактабга тижорат асосида нодавлат ташкilotлар учун ихтисослаштирилган ўқув курсларини ўтказиш ҳуқуқи берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

юқори малакали кадрлар тайёрлаш харажатлари ва Университетнинг ривожлантириш стратегиясини ҳисобга олган ҳолда ҳар йили тўлов-контракт асосидаги бакалаврият ва магистратурада таълим олишнинг қийматини белгиласин ва тасдиқласин. Бунда, Университетда шартнома асосида таълим олишнинг тўлов қиймати тегишли йўналиш ва мутахассислик бўйича республика таълим муассасалари учун белгиланганидан 3 барабар ошиши мумкин эмас;

Университет ва Олий мактаб кадрларини Ташқи ишлар вазирлигининг марказий аппарати ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларида мунтазам равишда ички идоравий ротация қилиш тартибини жорий этишин;

Университет фаолиятига жалб қилинадиган ва унинг ҳамкорликдаги тадбирларида иштирок этиш учун таклиф қилинадиган чет эллик ўқитувчилар, олимлар ҳамда мутахассисларга кириш визаларини консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмаган ҳолда расмийлаштиришнинг таъминласин.

12. Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятга жалб этилган вазирлик ва идоралар Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда:

ўқув амалиётини ўташ дастурларига мувофиқ соҳавий вазирлик ва идораларнинг тегишли бўлинмаларида талабалар томонидан таълим жараёнида олинган амалий ва назарий билимларини амалиётда қўллаш мақсадида уларнинг мажбурий амалиётини ташкил этишда Университетга ҳар томонлама қўмак кўрсатсин;

Университет ва Олий мактаб профессор-ўқитувчилар таркиби, тадқиқотчиларининг идоравий мансуб бўлиминининг иш фаолияти билан танишишлари ва ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳақидаги янги билимларга эга бўлишлари учун уларда қисқа мuddатли стажировка ўташларини ташкил этиш амалиётини жорий этсин;

Университет ва Олий мактабда бошқарув таркиби, масъул ходимлар ва амалиётчи-мутахассислар томонидан халқаро муносабатлар, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатининг долзарб масалалари бўйича мунтазам равишда дарслар, маърузалар (шу жумладан, соатлик иш ҳақи ёки ўриндошлик шартлари асосида) ўтказилишини таъминласин.

13. Университет ва Олий мактаб фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни, Университет ҳамда Олий мактабнинг бюджетдан ташқари жамғармалари, жумладан, таълимнинг тўлов-шартнома шаклидан тушадиган маблағлар, шартнома асосида хизматларни амалга оширишдан тушган маблағлар, грантлар, шунингдек, хорижий ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

Университетда бюджет муассасалари ва ташкilotлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди билан бир қаторда бюджетдан ташқари маблағлар, хусусан, тўлов-шартнома (жумладан, оширилган шартнома асосида таълим олишга кирувчилар) маблағлари ҳисобидан маъмурий-бошқарув, профессор-ўқитувчи, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан 85 фоиз миқдоригача бўлган моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси (кейинги ўринларда – Махсус жамғарма) ташкил этилсин.

14. Белгилаб қўйилсинки:

Университет ректори Махсус жамғарма маблағлари ҳисобига Университет ва Олий мактаб ходимлари уларнинг ишлари ҳажми ва самардорлигини

ҳисобга олган ҳолда лавозим маошининг 100 фоизигача бўлган миқдорда ойлик устама белгилаш, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ бошқа қўшимча моддий рағбатлантириш чораларини қўллаш ҳуқуқига эга;

Махсус жамғарма маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби, шунингдек, Университет ва Олий мактаб ходимларига ойлик устама белгилаш мезонлари Университет томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади;

2018 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимидаги ходимларга узоқ йиллик хизмати ва дипломатик ранглари учун ойлик маошларига қўшимча ҳақ Университет ва Олий мактаб ходимларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур маблағларни 2018 йил учун ажратсин, кейинги йиллардан бошлаб эса уларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тutsин.

16. Университет:

қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ташқи савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, бошқа соҳавий вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мажбурий (бир нусхада) юбориладиган ташкilotлар рўйхатига;

босма ва китоб махсулотлари (ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий нашрлар)нинг бепул нусхалари (бир нусхада) оладиган ташкilotлар рўйхатига; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, шунингдек, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистик ахборотлари мажбурий юбориладиганлар рўйхатига киритилсин.

17. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта мuddатда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети бакалаврияти ва магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин;

бир ойлик мuddатда 2020 йил охирига қадар Университет ва Олий мактаб моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, объектларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш, Университетнинг тўлақонли муҳандис-техник, ахборот-коммуникация инфратузилмасини яратиш масалалари бўйича қарор қабул қилсин;

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига "Халқаро иқтисодиёт ва менежмент", "Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти" мутахассисликлари киритилишини таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети буюртмаларига биноан Университетда ишлаш учун жалб этиладиган чет эллик ўқитувчилар, профессорлар ва мутахассисларга давлат божлари тўлашдан озод этган ҳолда кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. С. Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Х. Камиллов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 21 июнь

ҲУНАРМАНД ҚИЗЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

Оққўрғон туманида "Ҳунарманд уюшмаси кунлари" тадбири доирасида бепул ўқув курслари ташкил этилди.

▶▶▶ Рағбат



Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ва 2018 йил

доирасида "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан ташкил этилган ўқувлардан аҳоли мамнун. 2 ой давом этган машғулотларда 30 нафар ишсиз хотин-қиз оддий металлдан миллий услубда тақинчоқ ва эсдалик буюмлари ясаш сирларини ўрганди.

– Ҳунаринг бўлгани яхши-да, – дейди ҳунарманд М. Мирқаймова. – Бу иш соғлом бўлишини кафолатлайди. Яна оилага қўшимча даромад келтиради. Шуларни ўйлаб, ҳунари бор аёлларга ҳавасим келарди, улардек бўлишни орзу қилардим. Минг шукр, орзумим амалга ошди. Ўқув курсини муваффақиятли тамомлаган хотин-қизларга махсус сертификат берилди. 8 на-

фарига тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ажратилди. – Ўқув курсларига қатнашиб ҳам ҳунарли бўлдим, ҳам тадбиркорлигимни бошлаш имконияти туғилди, – дейди Г. Йўлдошева. – Имтиёзли кредит беришди. Бозорларда миллий услубдаги тақинчоқларга талаб кўплиги боис, кредит билан шу йўналишда тадбиркорликни бошлайман. Фаолиятимни кенгайтириб, маҳалламиз қизларига ҳам ушбу ҳунар сирларини ўргатишни мақсад қилдим.

Ўқув курси якунида битирувчиларнинг ҳунармандчилик махсулотлари кўرғазмаси намойиш этилди.

А. ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА муҳбири

◀▶▶ Бошлангич 1-бетда

Кучли фуқаролик
жамияти сари

Жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб янгиланишлар ҳамда истиқболга мўлжалланган режа ва дастурларнинг самарали ижро этилишида нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг алоҳида ўрни бор.

Президентимиз томонидан жорий йил май ойида қабул қилинган "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ушбу соҳадаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ўрта Чирчиқ тумани адлия бўлимида ўтказилган семинарда мазкур фармон мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз борди. Унда вилоят адлия бошқармаси мутасаддилари, жамоат ташкилотларининг ходимлари қатнашишди.

ҲУҚУҚИЙ АСОС – ЗАМОНАГА МОС



– Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурида фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилмоқда, – дейди Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти ходими Элдор Сатторов. – Бу кенгаш фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама этиш ҳамда мазкур секторнинг ҳолати, ривожланиш тенденцияси ҳақида Президентни мунтазам хабардор қилиб боради.

Шунингдек, фуқаролик жа-

мияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамияти бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича мамлакат раҳбарига тақлифлар киритади.

Дарҳақиқат, янги ҳужжат ўтган йиллардаги тажриба ва амалиётдан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотларининг юртимиздаги кенг қўлланма ислохотлар жараёнида, ижтимоий-иқтисодий дас-

турлар ижросида фаол иштирокини таъкидлаш зарур. Қилишга тўғри келадиган қатор тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда соҳани ривожлантириш борасида аниқ механизмларни белгилаб бергани билан аҳамиятлидир.

– Бугунги кунда мамлакатимизда 9 минг 200 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритмоқда, – дейди вилоят Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Асатилла Шуқруллоев. – Шундан 800 таси вилоятимизда жойлашган. Бу ташкилотлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва

қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Эндиликда ўтказилган тадбирларнинг ҳисоботини электрон тарзда қабул қилиш тизими йўлга қўйилмоқда.

Бундан ташқари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳисобварақларига ҳалқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет эл фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан келиб тушган пул маблаглари ва мол-мулкдан фойдаланиш, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишилганда сўнг амалга оширилиши белгиланди.

Семинар якунида қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

ҲУМОЮН ҲУСНОВ
ЎҚТАМЖОНОВ
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган сурат

СУД РАИСИ ФУҚАРОЛАР
БИЛАН УЧРАШДИ

Ҳеч қузатганмисиз, аста-секин томиб турган сув тошни ҳам емиради. Аҳоли муурожаатларини ҳам шунга қийслаш мумкин. У ўз вақтида қонуний ва самарали ҳал қилинмаса, йиғилиб-йиғилиб, ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши турган гап.

Очиқ мулоқот

Сўнгги йилларда айрим ташкилот раҳбарлари томонидан оддий одамларнинг ташвиш ва муаммоларини эшитмаслик, ариза билан муурожаат қилган шахснинг шикоятини яна келган жойига қайтариб юбориш ҳолатлари одат тусига кириб қолган. Шу боис, Президентимиз халқ билан фаол ва очиқ мулоқот олиб бориш, жисмоний ва юридик шахслар муурожаатларига эътибор борасида асос солган янги тизим – Халқ қабулхоналари институти нафақат муурожаатларни

қаноатлантириш, балки ҳаётимиздаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўришдек ҳаётбахш мақсадларга ҳам хизмат қилмоқда.

Кунин кеча Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси Дилшод Тожибоев Куйи Чирчиқ тумани аҳолиси билан учрашди. Туманининг "Миробод" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя

қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди. Шу билан бир қаторда истиқболда айрим қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва либераллаштириш, жиноий жазоларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадида 2018-2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш концепциясини қабул қилиш ва амалга оширишнинг зарурияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Фуқаролар ўзларини қизиқтирган ҳуқуқий мавзудаги бошқа кўплаб саволларига жавоб олишди.

Учрашувдан сўнг Жиноят ишлари бўйича Куйи Чирчиқ тумани судида сайёр қабул ташкил этилиб, жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси томонидан аҳолининг турли шикоят ва муурожаатлари кўриб чиқилди.

Абдусалим МАХМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ЭГИЛУВЧАН ҚУВУРЛАР –
ТЕЖАМКОРЛИК ОМИЛИ

Сувдан оқилана фойдаланиш бўйича ҳар бир туманда соҳа вакилларидан иборат штаблар фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, экин майдонларини суғоришга тайёрлаш бўйича туманлардаги ҳар 4-5 фермер хўжалигига тизим ходимларидан масъуллар бириктирилди. Фермер хўжаликларида эса 5 гектар майдонга бир нафар сувчи жалб қилиниб, улар учун даланинг ўзида барча шароит яратиб берилди.

Сувнинг ҳар томчисини мақсадли сарфлаш, айниқса, соҳага сув тежовчи илғор технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Маълумотларга кўра, бу борадаги дастлабки сайёр-ҳаракатлар 2013 йилда бошланган бўлиб, 2018 йилга қадар 50 донга кўча дизель насос агрегати олинган. 1 минг 780 гектар майдонда эгилувчан қувурлар орқали суғориш тизими йўлга қўйилган. Сув танқислиги қузатилиши йил бошидан маълум бўлган жорий йилда эса, ушбу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайди. Хусусан, ҳудудда сувни тежаш мақсадида 800 гектар ерда эгтарга плёнка тўшаб, 2 минг 120 гектар ерда эса ўқ ариқлар ўрнига эгилувчан қувурлар орқали суғоришни жорий этиш, 53 донга кўча дизель насос агрегати олиш юзасидан махсус дастур қабул қилинган. Дастур ижроси юзасидан эса тегишли шартномалар тузилиб, технологиялар фермер хўжаликларида етказиб берилмоқда.

Пискент туманидаги "Agro stimol tex service" фермер хўжалиги раҳбари Ганжабой Матниёзов ҳам жорий йилда сувни тежаш мақсадида эгилувчан қувурлар тўпламини харид қилди. Ҳозир хўжаликнинг 70 гектар ерида барқ уриб ўсаётган ғўза ана шу қувурлар орқали суғоришмоқда.

– Ғўза жуда нозиктаб ўсимлик, – дейди хўжалик раҳбари. – Уни зинҳор қўллатиб ҳам, қўллатиб ҳам бўлмайди, шашти қайтади. Ёзани суғоришда доим мана шу муаммага дуч келамиз, яъни пахтазорнинг бирор жойи қўллайди ёки бошқа жойи сувсиз қолади. Эгилувчан қувурлар ушбу муаммонинг айна давоси бўлди. Айниқса, сув танқис бўлган жорий мавсумда ўқ ариқлардагига нисбатан сувни 20 фоизгача тежаш имконини бермоқда.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири

Реклама

"Агробанк" акциядорлик тижорат банки Тошкент вилояти бошқармаси раҳбарияти иштирокида Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонунига асосан жисмоний ва юридик шахслар, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари иштирокида "Сайёр учрашув кўни" ўтказилишини маълум қилади. Бунда сиз банк соҳасига тааллуқли масалалар юзасидан бевосита муурожаат қилиш имкониятига эга бўлиб, сизга амалдаги қонунчилик доирасида жойида тегишли тушунтиришлар, маслаҳатлар ва амалий ёрдамлар берилади.

Маълумот учун тел.: 244-09-82.
"Агробанк" АТБнинг Тошкент вилояти бошқармаси раҳбарияти томонидан 2018 йилнинг II ярим йиллигида туманларда жисмоний ва юридик шахсларни сайёр қабул қилиш

РЕЖА ЖАДВАЛИ

№	Бошқарма бошлиғи ва ўринбосарлари Ф.И.Ш.	Лавозими	Учрашув ўтказиладиган жой	Ўтказиладиган сана									
				Июль		Август		Сентябрь		Октябрь		Ноябрь	
				10.07.2018	16.07.2018	23.07.2018	07.08.2018	17.08.2018	22.08.2018	05.09.2018	10.09.2018	19.09.2018	24.10.2018
1	Рустамов А.К.	Бошқарма бошлиғи	Чирчиқ										
			Чирчиқ										
			Чирчиқ										
2	Болкулов Т.У.	Бошқарма бошлиғи ўринбосари	Бўёқ										
			Пискент										
			Куйи Чирчиқ										
3	Йўлдошев М.Х.	Бошқарма бошлиғи ўринбосари	Охангарон										
			Бекобод										
			Юқорги Чирчиқ										
			Паркент										

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кенчикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2018 йил 25 июль кунидан бошлаб иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Электрон онлайн-аукцион савдоларида қатнашишга электрон буюртманома қабул қилиш электрон онлайн-аукцион савдоси ўтказилишидан икки иш кунин олдин (соат 13.00 гача) тамом бўлади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотлар ва сотувдаги бошқа объектлар тўғрисидаги маълумотларни Давлат рақобат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасидан ҳамда Давлат рақобат қўми-

тасининг privatization.gkk.uz ва "E-IJRO AUKSION"нинг www.e-auction.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Муурожаат учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 230-41-70. E-mail: tashreg@gki.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 230-41-81 Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Яхши ташаббус

Нурафшон шахрида "Энг ибратли маҳалла", "Энг ибратли кўча" ва "Энг ибратли хонадон" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда бир нечта ташкилот мутасаддилари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашишди.

ОБОД МАҲАЛЛАЛАР,
ИБРАТЛИ ОИЛАЛАР

Мазкур танлов вилоят ҳокимининг жорий йилнинг январь ойидаги тегишли фармойишига асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши, "Нуроний" жамғармаси, касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ташкил этилди.

– Дастлаб туман ва шаҳарлардан энг муносиблар танланиб, вилоят босқичига тавсия этилди, – дейди фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раиси ўринбосари Зулхумор Жўраева. – Номзодларнинг ҳужжатлари ва фаолияти ҳакамлар ҳайъати томонидан аввалдан белгиланган мезонлар асосида ўрганилди. Ғолибларни аниқлашда, маҳалла, кўча ва хонадонларнинг ибратга лойиқ жиҳатларига алоҳида эъти-

бор бердик. Келгусида шунга ўхшаш танловларни кўплаб ўтказиш режалаштирилмоқда.

Натижаларга кўра, "Энг ибратли маҳалла" йўналиши бўйича биринчи ўрин Қибрай туманининг "Ифтихор", иккинчи ўрин Паркент туманининг "Бойқозон", учинчи ўрин Куйи Чирчиқ туманининг "Чақмоқ" маҳалласига насиб қилди. "Энг ибратли кўча" Тошкент туманидаги Чимкент йўли кўчаси, "Энг ибратли хонадон", деб эса Чирчиқ шаҳридаги Хайдар Мақсудов номли маҳаллада истиқомат қилувчи Мирзаевлар хонадони эътироф этилди.

Совриндорлар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган сурат

ОДАМЛАР
НИМА ДЕЙДИ?

Янгийўл тумани ва шаҳри аҳолиси муурожаатлари юзасидан вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник А. Алламуродов, туман ҳокими ва мутасадди ташкилотлар томонидан навбатдаги сайёр қабуллар ўтказилди.

Сайёр қабул

Ҳудудда йиғилиб қолган муаммолар – коммунал соҳа, йўл таъмири, чикиндилар муаммоси, ижтимоий ёрдам, ноконуний қурилмалар, кредит олиш каби ўнлаб масалалар юзасидан қилинган муурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

Фуқаролар билан мулоқот давомида вилоят ички ишлар органлари соҳавий хизматлари вакиллари то-

монидан ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича қилинган муурожаатлар жойида расмийлаштирилиб, айрим масалалар юзасидан тегишли мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг сайёр қабуллари белгиланган жадвал асосида вилоятнинг бошқа шаҳар-туманларида ҳам давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз

